Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 22-fevral, shanba № 25 (3374)

*Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғururимиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз.*

**Ислом КАРИМОВ**

# Фарзандлари соғлом мамлакатнинг келажаги буюкдир

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.***

Жорий йилнинг 19 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, «Соғлом она — соғлом бола» дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003-2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бир қаторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлиғини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваламбор, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади.

Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутади, бу масала ҳануз долзарблигича қолмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

«Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада).

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

# Йигитлар муносиб кутиб олинмоқда

***Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни кутиб олишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.***

Вилоят ҳокимлиги, мудофаа ишлари бошқармаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими вакиллари ва ота-оналар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Ҳарбий хизматга чақирилаётган ва хизматни ўтаб қайтган йигитларни тантанали кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари юқори савияда ташкил этилмоқда, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, майор Бекзод Тўйчиев. — Бундай тадбирларни мазмунли, эсда қоларли тарзда ўтказиш учун вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида барча қулайликлар яратилган. Бундан ота-оналар ҳам ғоят мамнун.

Муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб қайтганлар орасида Андижон туманидаги «Гулшан» маҳалласида яшовчи Алишер Низомиддинов ҳам бор. Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилган Алишер сафдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлди. Армияда ҳар томонлама тобланган бу йигит келажакда ҳарбий бўлишга аҳд қилган.

— Болаликдаги орзуларим ушалаётганидан хурсандман, — дейди Алишер. — Отам захирадаги офицер. Шу боис мен ҳам у киши сингари ҳарбий либосда юришни орзу қилар эдим. Намунали хизматим учун қўмондонликнинг тавсияномасига сазовор бўлдим. Энди пойтахтимиздаги ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун астойдил тайёргарлик кўраман.



**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Зуҳириддин УМРЗОҚОВ (ЎзА) олган сурат**

## Жамоа шартномаси — амалда

***Иш берувчи ва вакиллик органи ўртасида тузилган жамоа шартномаси тегишли тасдиқдан ўтгандан кейин меъёрий ҳужжат мақомига, яъни қонун кучига эга бўлади. Қонун эса ижроси билан кучли. Шу боисдан ҳам меҳнаткашларнинг манфаатлари қамраб олинган ушбу шартноманинг бажарилишини назорат қилиб бориш касаба уюшмалари олдида турган энг долзарб вазифалардан бирибир.***

# Қонун ижроси билан

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида 2012-2014 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви асосида тизимдаги барча ташкилот ва муассасаларда амалда бўлган жамоа шартномаларининг бажарилиши кўриб чиқилмоқда.

Куни кеча вазирлик касаба уюшма қўмитасининг ўтган йил якунлари бўйича жамоа шартномаси бажарилишига доир ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада).

## Ўқув-семинар

***Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасидаги тармоқ келишувига биноан «Ижтимоий шериклик — ютуқлар гарови» мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди.***

Тадбирда пойтахтимиздаги врачлар малакасини ошириш институтида ўқиётган тиббиётнинг турли йўналишидаги илмий, ҳудудий, ОИТСга қарши кураш ва Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг раҳбарлари иштирок этишди.

# Бирдек масъулмиз

Семинарда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев «Ижтимоий шериклик асосидаги фаолиятни такомиллаштиришда касаба уюшма ташкилотлари олдида турган вазифалар» мавзуида маъруза қилди. Маърузачи айни вақтда касаба уюшма ташкилотларида кечаётган ислоҳотлар ва келгусидаги ишлар тўғрисида тўхталиб, уларни амалга оширишга барча бирдек масъуллигини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада).

***Пойтахтимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда енгил саноат тизимида тайёр маҳсулот экспортини ривожлантириш мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

# Экспорт ҳажми янада кўпаяди

Унда сўзга чиққанлар ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш тури ва ҳажмини тобора оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди.

Жамғарма томонидан ўтган қисқа вақтда 153 тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион АҚШ долларидан зиёд экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини аниқлаш учун маркетинг тадқиқотлари ўтказилиб, дунёнинг 173 мамлакатида 30 дан ортиқ маҳсулот ва 15 хизмат турига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Жорий йилда уч юз етмишдан ортиқ кичик бизнес субъектига, жумладан, тўқимачилик саноатида элликдан зиёд тадбиркорга хориждан ҳамкорлар топиш, қирққа яқинига экспорт шартномалари тузиш, банкларда рўйхатга қўйиш ва суғурта полислари олишда, йигирмадан ортиғига хорижий кўргазма ва ярмаркаларда қатнашишда амалий кўмак кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Тадбирда енгил саноат тизимидаги корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, уларга янги бозорларга чиқиш, хориждаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш, рақобатбардош товарларни жаҳон бозорига етказиш юзасидан тавсиялар берилди.

**ЎзА**

## Саноат корхоналарида

***Қурилиш материаллари саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар, саноат объектлари, уй-жой фонди, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгиларини барпо этишга қаратилган дастурлар мазкур соҳани жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.***

# Қурилиш тармоғининг улкан салоҳияти

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тизимида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда қарийб барча турдаги қурилиш материаллари, жумладан, оҳак, деворбоп қоплама ва пардозлаш материаллари, йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қурилишда цемент маҳсулотларига ҳам талаб катта. Қишлоқ жойларни ободонлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида кейинги ўн йилда цемент ишлаб чиқариш ҳажми икки ярим баробардан ортиқ кўпайди. 2013 йилда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш суръатлари 4,4 фоизга ортди.

Ўзбекистонда цемент маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчиларидан бири «Оҳангаронцемент» ОАЖ бўлиб, 2013 йилда мазкур корхонада 1,6 миллион тоннадан ортиқ турли нав ва русумдаги цемент ишлаб чиқарилди.

Бир минг икки юз нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада минерал тола, акустик плиталар ва ёнғинга чидамли ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Илгари корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига атиги 450 минг тоннани ташкил этган бўлса, амалга оширилган модернизация, техник ва технологик янгилаш ишларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар кўпайтиришга эришилди. Хусусан, печ ва тегирмон бинолари таъмирланди, тоғ техникаси, редуктор, компрессор ва двигателлар харид қилинди.

(Давоми 2-саҳифада).

## Бор бўл, оқибат!

# Диллар шод бўлди

***Тошлоқ тумани ҳокимлиги ва туманнинг бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари — «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими, «Нуроний» жамғармаси бўлинмаси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида «Турон» тантаналар мажмуасида 50 дан ортиқ имконияти чекланган, ўзгалар ёрдамига муҳтож инсонлар учун тўкин дастурхон ёзилиб, ош тортилди.***

Туман маданият уйи «Райҳон» ашула ва рақс халқ дастаси ижодий жамоаси санъаткорлари ватан, истиқлол, тинчлик, ёшлик ҳақида дилрабо қўшиқ ва жозибали рақслари билан даврага файз киритди.

Ташкилотчилар томонидан тадбир меҳмонларига эсдалик совғалари тақдим этилди. «Тўхтабоев» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Иброҳим Абдусамадов, «Яккатут» ҚФЙдан Дониёр Мамажонов, «Яхшакгузар» МФЙдан Турсунтош Ҳамидова, «Арабмозор» ҚФЙдан Илҳом Жўраевга ногиронлик аравачаси топширилди.

**М.МАҲМУДОВ**

Ishonch
2014-yil 22-fevral № 25 (3374)

# Фарзандлари соғлом мамлакатнинг келажаги буюкдир

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объектлари барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Мамлакатимизда 130 маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзғор юмушларини енгиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони, тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади.

Қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг якка тартибдаги уйлар қурилади. Икки минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилади. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДҲ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикасидир. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-босқич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўлами кенгайтирилади.

Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

«Баркамол авлод» болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида 66 шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади.

Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

«Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мултимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Бу йил режалаштирилган қатор қизиқарли тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, «Она юрт наволари» халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, «Энг ёш ихтирочи» танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади. Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мултимедиали иловали дарсликлар бепул берилади.

Ёзги таътил даврида болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика қўғирчоқ театри ва «Томоша» болалар мусиқали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

Халқимизга хос бағрикенглик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни акс эттирувчи кўплаб тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпламдаги қишки кийим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади.

2014 йил ноябр ойида Тошкентда «Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба» мавзусида халқаро форум ўтказилади.

Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

**ЎзА**

# Қурилиш тармоғининг улкан салоҳияти

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили қурилиш гипси, қуруқ қурилиш аралашмалари, шиша маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Бу борада қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишида қўлланилаётган шишанинг асосий етказиб берувчиларидан бири — «Кварц» очиқ акциядорлик жамиятининг ютуқлари сезиларли бўлди. 2013 йилда жамият томонидан 13 миллион квадрат метр қурилиш шишаси ишлаб чиқарилиб, унинг 362 минг квадрат метри қишлоқларда қурилаётган янги уйларга етказиб берилди.

Корхона маҳсулоти юқори сифати ва нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради. Бу қурилиш саноати корхоналари ўртасида тармоқлараро кооперация тобора ривожланиб бораётгани самарасидир. Масалан, «Кварц» очиқ акциядорлик жамиятига хомашёнинг аксарият қисми, жумладан, калцийланган сода, дала шпати, доломит ва оҳактош маҳаллий компаниялар томонидан етказиб берилмоқда.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ва турини кўпайтириш мақсадида замонавий жиҳозлар харид қилинди. Эндиликда бу ерда мураккаб тузилишга эга шиша буюмлар учун формокомплектлар ишлаб чиқариш ҳамда улар юзасига юқори аниқликда логотип ва деталлар тушириш имконияти пайдо бўлди. Илгари хориждан импорт қилинган бронзали шиша ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмаси жадал суръатларда ривожланаётгани сифатли деворбоп материалларга бўлган талабни ошириб юборди. Айниқса, қурилишда гипсокартон кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда бундай маҳсулот «Кнауф Гипс Бухоро» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Умуман, 2013 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми 147,2 миллиард сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 15,3 фоизга ортди.

Компания томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда компания 14 лойиҳага қўл уриб, улар доирасида мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Қурилиш материаллари саноатининг энг йирик тармоқларидан бири бўлган цемент саноатида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамиятида амалга оширилган модернизация ишлари туфайли йилига 850 минг тонна цемент клинкери ишлаб чиқариш қувватига эга қуруқ цемент ишлаб чиқариш бўйича янги линия барпо этилди. Линиянинг фойдаланишга топширилиши 120 янги иш ўрни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ҳар йили 1 миллион тоннага етказиш имконини берди.

«Ўзқурилишматериаллари» АК тизимидаги корхоналарнинг самарали фаолияти натижасида ўтган йили нафақат экологик соф, хизмат муддати узоқ, тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўпайгани, балки уларнинг тури кенгайганини ҳам таъкидлаш жоиз. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 5,8 фоизга ортиши таъминланди.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига хорижда ҳам талаб юқори. 2013 йилда қурилиш материаллари экспорти ҳажми 74,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яқин истиқболда Афғонистон, Эрон, Россия, Туркманистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатларга маҳсулот етказиш йўлга қўйилади.

**Ирина ДОЛЕНКО,**
**ЎзА мухбири**

# Қонун ижроси билан



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Касаба уюшма қўмитаси раиси Муқаддам Ҳасанбоева ўтган йилда иш берувчи ва касабақўм ўртасида тузилган жамоа шартномасининг ижроси бўйича ҳисобот берди.

Жамоада 60 нафар ходим меҳнат қилади. Уларга муносиб меҳнат шароити яратиш мақсадида барча хоналар ёруғ, шинам ҳолатга келтирилган, замонавий дераза ва эшиклар, кондиционерлар ўрнатилган. Бундан ташқари, ходимлар компютер, мебел жиҳозлари ҳамда иш давомида зарур бўладиган техник ва концелярия буюмлари билан таъминланган.

Қўмита томонидан ходимларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, эътиборга лойиқдир. Меҳнат таътилига чиқиш вақтида ходимларга соғлигини тиклаб олиши учун белгиланган меъёрда моддий ёрдам ажратилади.

Шунингдек, «Ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Низом асосида уч нафар ходимга фарзанд кўрганлиги муносабати билан «суюнчи» пуллари ҳамда яна 10 кишига аризаларига биноан моддий ёрдам ажратилди. Йил давомида барча байрамларда икки ойлик маош миқдорида мукофот берилди. Шу билан бирга, юбилей ёшига етганлар молиявий имкониятдан келиб чиқиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Ҳар ойда ходимларга озиқ-овқат ва йўлкира учун компенсация пуллари тўланади. Баҳор фаслида сумалак пишириб тарқатиш, кузда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун маблағ ажратиш ҳам яхши анъанага айланган. Ходимлар дунёқарашини бойитиш мақсадида ҳар ойда «Маънавият соати» ташкил этилаётир.

Умуман олганда, Меҳнат кодексининг 24-моддасига биноан иш берувчи вакиллик органи олдидаги мажбуриятларини тўлиқ адо этганлиги таъкидланди. Сўзга чиққан касаба уюшма фаоллари бошланғич ташкилот фаолиятига доир талаб ва истаклари, муносабатларини баён этишди.

— Жамоа шартномасида белгиланган бирон-бир банд эътиборсиз қолгани йўқ. Келгуси йилда ҳам бошланғич ташкилот ўз фаолиятини ана шундай тарзда давом эттиришини хоҳлардик, — деди вазирликнинг меҳнат муҳофазаси бошқармаси бош мутахассиси Олимжон Ашуров. — Муҳими, аризалар ҳам вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

ЎзКУФК раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев ҳамда тармоқ Марказий кенгаши раиси Анвар Абдумухторов амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга эътиборни қаратди.

Йиғилишда тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**







# Бирдек масъулмиз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Йиғилганлар ЎзКУФК бўлим мудири Маҳмуджон Исаевнинг «Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда келишувлар, жамоа шартномаларининг ўрни, Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари» ҳақидаги чиқишини ҳам катта қизиқиш билан тинглашди. Шунингдек, Марказий кенгаш бош мутахассиси Зафар Алиев ҳамда бош консултант Улуғбек Абдураҳмонов тингловчиларга «Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат муҳофазасини ташкил этиш», «Иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари» мавзуларида тушунтириш беришди.

Семинарда томонлар манфаатларини таъминловчи ижтимоий шериклик тамойилига, бундай ҳамкорликни амалга оширишда муҳим омил бўлган жамоа шартномалари ва келишувлари, қўшма қарорлар, локал ҳужжатлар, касаба уюшма ташкилотлари билан келишиб қабул қилинадиган бир қатор ҳужжатларни тузиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтилди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари билан касаба уюшма ташкилотларининг қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш тўғрисида ҳам сўз юритилди. Шу билан бирга, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда меҳнат қонунчилигига қатъий риоя этилишига эришиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ҳамда меҳнат шароитларини паспортлаштириш каби бир қатор амалдаги қоида ва меъёрларга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминлаш ўта долзарб эканлиги таъкидланди.

***Мамашокир Тўхтабоев, Андижон вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бош шифокори:***

— Мазкур ўқув биз, раҳбар ходимлар учун айни муддао бўлди. Айниқса, келишувлар ҳамда жамоа шартномалари тузиш ҳақидаги маъруза тасаввуримизни бойитди. Ўқувда иштирок этган ҳамкасбларимиз бу ерда олган билимлари амалиётда қўл келади, албатта.

***Олимбой Исаев, Хоразм вилоят ДСЭНМ бош шифокори:***

— Бошланғич касаба уюшма ташкилотимиз билан мустаҳкам алоқада ишлаб келаяпмиз. Бундай ҳамкорлик маъмурият учун ҳам, бошланғич ташкилот учун ҳам ниҳоятда фойдали. Юртимизда меҳнаткашлар турмуш тарзини юксалтириш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишни бундан-да яхшилаш юзасидан кўплаб қонунлар қабул қилинмоқда. Уларнинг бажарилишига биз, раҳбарлар ҳам, касаба уюшма етакчилари ҳам бирдек масъулмиз.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тадбир

***Тошкент минтақавий темир йўл узели ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан бошланғич ташкилотлар ишини янада кучайтириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида семинар ташкил этилди.***

### Илғор тажрибалар

Тадбирда касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонлари — ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга ошириш, соҳа ишчиларининг меҳнатини муҳофаза қилиш, ёшлар билан ишлаш, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини самарали йўлга қўйиш борасида амалий таклифлар ўртага ташланди. Шу билан бирга, касаба уюшма ташкилотлари ўзаро тажриба алмашдилар.

— Тармоқдаги бошланғич касаба уюшмалари ўртасида ўтказилган семинар, аввало, уларнинг иш фаолиятини кучайтиришда муҳим омил бўлди, — дейди Тошкент минтақавий темир йўл узели ҳудудий касаба уюшма қўмитаси раиси Содиқжон Турдиқулов. — Натижада, энг намунали бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг илғор тажрибаларини янада оммалаштириш имконияти яратилди.

***Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти темир йўллари тизимида кўплаб хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.***

### Эътибор

Яқинда ташкилот томонидан шифохонада даволанаётган кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила болаларидан 30 нафари ҳамда Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежининг 59 нафар ўқувчисига мавсумий кийимлар берилди. Ўзбекистон темир йўлларига қарашли «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийсида кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган Галина Старукасга замонавий телевизор туҳфа қилинди.

**А.ДАМИНОВ**

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 22-fevral № 25 (3374)



# Бадиий гимнастика
## руҳни тетиклаштиради, иродани мустаҳкамлайди



***Нукус шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар бадиий гимнастика спорт мактабида 380 нафар қиз ушбу спорт тури бўйича маҳорат сирларини эгалламоқда.***

Мусиқа ҳамоҳанглигида нафис ҳаракатларга асосланган спорт тури — бадиий гимнастика руҳни тетиклаштириб, иродани мустаҳкамлайди, қоматни чиройли қилади. Мамлакатимизда ушбу спорт турини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўқувчи-қизлар ўртасида бадиий гимнастика оммалашиб бормоқда.

Замонавий шарт-шароитларга эга ушбу спорт мактабида машғулотларни ўнга яқин тажрибали мураббий юқори савияда олиб бораётир. Мактаб тарбияланувчилари орасида Элмира Мусаева, Нигора Қалназарова, Гулдона Худойбергенова, Алина Ким, Лиана Қутлимуратова каби мамлакат чемпионати ва Қорақалпоғистон Республикаси биринчилигида муваффақият қозонаётган спорт маликалари сафи тобора кенгайиб бормоқда.

**СУРАТЛАРДА:** *мураббия — Дилфуза Қарлибоева шогирдлари билан; (ўнгдан) ёш спортчилар — Лиана Қутлимуратова ва Нигора Қалназарова.*

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

## Ташриф

***Марғилон шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби «Камалак»чилари Миллий ҳунармандчилик марказига ташриф буюрдилар. «Ҳунарманд» уюшмаси шаҳар бўлими бошлиғи Расулжон Мирзааҳмедов уларни бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништирди.***

— Уюшмамизда 457 нафар уста-ҳунарманд фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди Р.Мирзааҳмедов. — Улар орасида атлас, банорас, шойи адрас тўқувчилар, зардўзлар,

# «Камалак»чилар ҳунармандлар марказида

мисгарлар, заргарлар, тунукасозлар, дурадгорлар, каштачилар, дўппидўзлар, миллий либос тикувчилар, ганчкорлар, косиблар, бешикчилар, читгарлар мавжуд. Марказда «Усто-шогирд» мактаби ташкил этилган бўлиб, 120 нафар ёш 68 нафар устадан турли хил йўналишлар бўйича ҳунар сирларини кунт билан ўрганмоқда. Жумладан, 17 нафар ҳунарманд аёл 48 нафар хотин-қизга устозлик қилаётир.

«Камалак»чилар марказда ташкил этилган Марғилон усталарининг сара ижод намуналари ва миллий либослар кўргазмасини томоша қилишди.

Мавлуда Сиддиқова, Мухтасар Шаҳобиддинова, Нурмуҳаммад Муталибов ва бошқа ўқувчилар келгусида тўқувчилик, тикувчилик, дурадгорлик каби ҳунарларни эгаллашга аҳд қилишди.

Саёҳатда иштирок этган 30 нафар ўқувчида ушбу тадбир унутилмас из қолдирди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**меҳнат фахрийси**

## 2014 йил — Соғлом бола йили

***Туғилажак фарзандининг соғломлигини эшитган Насиба шифокор ҳузуридан хурсанд ҳолда чиқди. Бахтдан кўзлари ёнди. Икки-уч ой муқаддам шамоллаш касаллигига чалинганидан хавотирда эди. Участка шифокори унга вилоят скрининг марказига йўлланма бергани ҳам бироз чўчитганди ҳам.***

***Шифокор у билан суҳбатда болалигида қандай касалликларга чалинганидан то келинлик давридаги ҳаёти, қайнонаси, турмуш ўртоғи билан муносабати, турмуш икир-чикирлари, ҳомиладорлик давридаги овқатланиш рациони, руҳий ҳолати ҳақида суриштиргач, поливитаминлар қабул қилишни тавсия қилди. Витаминларга бой таомлар рўйхатини ҳам тузиб берди. Мана, вақти етиб, Насиба она бўлди. Фарзанди у кутганидек соғлом туғилди...***

# Ҳаммаси муҳитга боғлиқ

Вилоят «Она ва бола скрининги» маркази акушер-гинекологи Сайёра Жуманиёзова ҳузурига ҳар куни ўнлаб аёллар келишади. Инсонлар қалбига қувонч, ҳаётига мазмун бағишлашни қалб амри деб билгувчи Сайёра улардан меҳрини, кўмагини аямайди.

— Истайманки, ҳар бир аёл оналик бахтини ҳис қилсин, фарзандлари соғлом туғилсин, — дейди Сайёра.

Зиёли оилада тарбия топган Сайёра ота-онасидан ўзаро ҳурмат, садоқат, меҳнатсеварлик, камтарлик каби хислатларни юқтирди. Бу хонадонда фарзандларга ўқиши учун барча шароит яратилганди. Шунинг учун ака-ука, опа-сингиллари ўқимишли, зиёли инсонлар бўлиб етишдилар.

Амакилари, опаларидаги шифокорлик касбига садоқат, инсонларга кўрсатилаётган беминнат ёрдамни кўрган Сайёра уларга издош бўлишни истади.



Онаси ҳар доим орзуга эришиш учун кунт, сабот кераклигини уқтирарди. Мактабда намунали хулқи, фанларни тез илғаб олиши билан тенгдошларига ибрат бўлган Сайёра онасининг ҳар бир ўгитини кўнглига жо айлади. Тошкент Педиатрия институти талабасига айланишида оила тарбияси мактаб таълими муҳим ўрин тутди. 1996 йилда институтни тамомлаган ёш мутахассис вилоят туғруқхонасида акушер-гинеколог сифатида интернатура ўтади. 1997-2008 йилларда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида акушерлик ва гинекологиядан талабаларга сабоқ берди.

Истиқлол йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлиги, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, миллат генофондини мустаҳкамлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилиши Сайёра Жуманиёзовага ўзгача шижоат бахш этди. У ана шу савобли ишларга ўз ҳиссасини қўшишга азму-қарор қилди. 2008 йилда «Она ва бола» Скрининг марказида акушер-гинеколог сифатида иш бошлади. Ўтган давр мобайнида Сайёра Жуманиёзова ва унинг ҳамкасблари минглаб бўлажак оналарни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдилар.

— Ҳомиладорлик даврида ҳар бир аёл мутахассислар назоратида турли тиббий кўриклардан ўтиши шарт, — дейди Сайёра Жуманиёзова. — Бундан кўзланган мақсад она ва туғилажак боланинг саломатлигига зиён етказиши мумкин бўладиган хавф-хатарни аниқлаб, бу жараён ривожланишининг олдини олишдан иборат. Ҳомиладорлик давридаги тиббий текширувлар орасида скрининг текширувларининг аҳамияти катта. Перинатал ёки туғруққа қадар текшириш ҳомиланинг соғлиғини аниқлашга имкон беради. Ҳомиладорлик даврида перинатал скринингнинг биокимёвий ва ултратовуш ёрдамида амалга ошириладиган текширув усулларидан фойдаланилади. Ҳар икки тиббий кўрик услуби пировард натижада ҳомиланинг ривожланишида юз бераётган патологик ўзгаришлар (ривожланишда кузатиладиган алоҳида анатомик нуқсонлар)ни эртароқ аниқлашга хизмат қилади.

Неонатал скрининг туфайли нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин бўладиган турли хил хасталикларни эрта аниқлаб даволаш, туғма гипотериоз ва фенилкетонурия каби оқибатда ногиронликка олиб келадиган бир қатор хавфли касалликлар ривожланишининг олдини олиш мумкин. Муддатига етиб туғилган чақалоқлардан 3-4 кунлигида, муддатидан олдин туғилган чақалоқлардан эса 5-6 кунлигида таҳлил учун қон олинади. Скрининг марказида махсус лаборатория ускуналарида қон таҳлили ўтказилади. Таҳлил давомида аниқланадиган ўзгаришлар қандайдир касаллик ривожланаётганидан дарак берса, чақалоқ онаси билан скрининг марказига қайта текшириш учун чақиртирилади. Қайта текшириш натижасида тахмин қилинаётган касаллик тасдиқланса, даволаш муолажалари тайинланади. Шу йўл билан оғир касалликлар, жумладан, ақлий заифликнинг олди олинади. Скрининг марказимиз бундай текширувларни амалга ошириш учун замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, малакали ходимлар улардан самарали фойдаланишмоқда.

Сайёра Жуманиёзова ҳар бир ҳомиладор аёлга туғруқ оралиғи 3-5 йил бўлиши лозимлиги, эрта ва қариндошлар ўртасида никоҳга йўл қўймаслик ҳақида уқтиришдан чарчамайди. Ҳамкасблари билан кунига 35-40 нафар аёлни кўрикдан ўтказиб, уларга тегишли тавсиялар бериб келаётган мутахассис тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам самарали йўлга қўйган.

Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деб бежиз айтишмаган. Сайёра ўзининг бугунги ютуқлари, ҳаётда ўрнини топишида қалби дарё устозлари Гавҳар Йўлдошева, Жамила Мадаминова, Хушнуд Қурёзов ва яна кўплаб инсонларнинг хизмати катта деб ҳисоблайди. Райҳон Абдураҳмонова, Саломат Дўсмамедова, Санобар Мадримова каби шогирдлари билан фахрланади.

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши марказ жамоасига, жумладан, қаҳрамонимиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклади.

— Болалар соғлом бўлсагина, юрт келажаги буюк бўлади, — дейди у. — Бизга берилаётган эътиборга муносиб бўлишга, соҳада янада чуқур изланишлар олиб боришга ҳаракат қиламиз.

Сайёрахон оилада севикли аёл, 3 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси. Фарзандлари саломатлигига ҳам алоҳида ёндашади.

— Ҳар бир аёлга соғлом болани дунёга келтириш учун, энг биринчи навбатда, соғлом муҳит керак бўлади, — дейди у. Соғлом муҳитни ўз оиласида ярата олган қаҳрамонимиз ўзгаларга ҳам ана шундай бахтни раво кўради.

**Руҳия ИСМОИЛОВА,**
**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**

Реклама ва эълонлар

**Негосударственная некоммерческая организация в форме Учреждения – Национальная Ассоциация по раку молочной железы «Во имя жизни», зарегистрированная в Министерстве юстиции Республики Узбекистан за №718 от 22.06.2010 года, ИНН: 207087561, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение Общего собрания учредителей Национальной Ассоциации по раку молочной железы «Во имя жизни» от 17.02.2014 г.).**

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, проспект Узбекистанский, д.80., в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления.

Председатель ликвидационной комиссии Умарова Шахноза Авазовна тел: (+99890)35 30 432

**Негосударственная некоммерческая организация в форме Учреждения – «Ассоциация народной медицины Узбекистана», зарегистрированная в Министерстве юстиции Республики Узбекистан за №716 от 16.03.2010 года, ИНН: 207076844, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение Общего собрания учредителей «Ассоциации народной медицины Узбекистана» от 17.02.2014 г.).**

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, проспект Узбекистанский, д.80., в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления.

Председатель ликвидационной комиссии Курбанова Дилфуза Бахрамовна тел: (+99893) 554 53 53.

**Услуги лицензированы.**

ИИВ Бирлашган таҳририятига **КТУТ (ОКПО) 17026765** рақами берилганлиги тўғрисида маълумотнома ҳамда **ордер** йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Юрган — дарё

***Туризм иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларидан бўлиб, соҳани ривожлантириш, туристик хизматлар кўрсатиш сифатини замон талабларига мос равишда ташкил этишда касаба уюшмалари фаол қатнашмоқда. Тасарруфдаги санаторийлар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ва хизмат кўрсатиш объектлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, хизмат турларини замон талабларига мос равишда кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий туризмни йўлга қўйиш ва янада такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.***

# Ҳам сабоқ, ҳам саёҳат

Бошланғич ташкилотлар ташаббуси билан жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари орқали вилоят меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларини ўтган йил давомида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб борилди. 2013 йил давомида 3600 нафар туристнинг саёҳатлари ташкил этилиши режалаштирилиб, йил якунида бу кўрсаткич 6275 нафарни ташкил этди.

Туристик саёҳатларни уюштириш учун 474,9 млн. сўм, шундан 237,7 млн. сўми касаба уюшмалари, 237,2 млн. сўми эса иш берувчилар ҳисобидан сарфланди. Бу маблағ саёҳат учунгина эмас, унда иштирок этганларнинг маънавий оламини мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

**Дилфуза СУЛТОНОВА,**
**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири**

## Фаолият

***Кармана тумани марказидаги 25-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор берилаётир. 247 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган муассасада 21 йўналишдаги тўгарак бўлиб, уларнинг 8 таси фан, 6 таси спорт ва 7 таси касб-ҳунарга ислохи баланд ўғил-қизларнинг севимли масканига айланган.***

# Меҳр-саховат
## инсонийликни тарбиялайди

Гуллола Каримова, Гўзал Тўқсонова раҳбарлик қилаётган тўқиш ҳамда юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш тўгаракларида қизлар билан бирга ўғил болаларни ҳам учратдик. Улар тайёрлаётган нафис ишланма ва ўйинчоқлар сотувдагидан айтарли фарқ қилмайди. Дурадгор Шермурод Баротов бошқараётган ёғоч ўймакорлик тўгараги ҳам иқтидор соҳибларини ўз бағрига олган.

Айтгандай, муассаса қошида ташкил этилган «Гулғунчалар» рақс бадиий жамоаси довруғи кўпчиликка маълум. «Истиқлол ғунчалари» республика болалар ижодиёти фестивали вилоят босқичида даста миллий рақслари билан қатнашиб, «Энг замонавий миллий рақс» номинацияси ғолибига айланган. Қолаверса, «Биз Президент фарзандларимиз» мавзусидаги бадиийлаштирилган концерт дастури ҳам олқишга сабаб бўлган. Бунда даста раҳбари Манзурахон Ғайбуллаеванинг ҳиссаси катта.

— Кенг ва ёруғ хореография синфлари зарурий жиҳоз ва чолғу асбоблари билан таъминланган. Айниқса, яқинда келтирилган 2 та фортепьяно ҳамда саҳна кийимлари иштирокчилар кўнглини тоғдек кўтариб юборди, — дейди муассаса директори Азим Жумаев. — Спорт тўгаракларида эришилаётган кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Турли тадбирлар, кўргазмали чиқишлардан ташқари, ярим баҳс тарзидаги беллашувларни болажонлар хуш кўришади. «Катта танаффус», «Олтин тож», «Қувноқ стартлар» кўрик-танловларида ўғил-қизлар ўз иқтидорини намоён этаётир.

Кутубхонамизда минг нусхага яқин адабиёт мавжуд. Дарсликлар тўлиқ таъминотига эришиш мақсадида кар болалар синфлари учун 150 та, кўзи ожиз болалар синфлари учун эса 260 та брайл ёзувидаги дарсликлар харид қилинди.

Муассаса касаба уюшма қўмитаси учун алоҳида хона ажратилган. Мактаб-интернат касабақўми «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида фахрли ўринни қўлга киритиб, компютер билан мукофотланган.

Яқинда саховатли тадбиркорлардан бири ўқувчиларга 14 турдаги қиймати 3 млн. сўмлик ўқув қуроллари ҳадя этди. Навоий шаҳридаги «Бахмал» хусусий фирмаси эса муассаса қиз болалари учун 5 млн. 500 минг сўмлик кийим-кечак олиб берди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Феруза Раҳимованинг бевосита ташаббуси билан 622 та қишки ҳамда ёзги оёқ кийимлари келтирилиб, ўқувчиларга тарқатилди.

Бундай меҳр-саховат ўғил-қизларни олижаноб инсонлар бўлиб вояга етишида ўзига хос сабоқ ҳамдир.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 06.05
Topshirildi - 07.00

E-mail:Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 218
22290 nusxada bosildi
1 2 3 4